

Тафаккур олами



15:57 / 23.09.2025 1145

Ҳайвонот оламида биз инсонлар учун кўплаб ибратлар бор. Аллоҳ таоло баъзи ҳайвонларни иззату шараф ва жасорат тимсоли қилган бўлса, баъзиларини тубанлик, пасткашлик ва қабоҳатга ўрнатиб яратган.

Мисол учун ҳайвонлар қироли арслонни кўркам ва салобатли қилиб яратиб қўйган. У ўз ўлжасини аввал бўғзидан қаттиқ тишлаб, ўлдириб олиб кейин ейди. Яъни, овини ортиқча қийнамайди. Тезда ўлдириб кейин ейди. Шунингдек, одатда у ўз ризқини меҳнат билан, овлаб топади.

Сиртлонлар эса ҳали ўлмаган жониворнинг қорни ёки оёғи яна қандайдир юмшоқ жойини тишлаб, узиб олиб ея бошлайди. Яъни, сиртлонлар ҳужум қилган ҳайвон аввал бўғизланмасдан тириклайин тилка-пора қилинади ва ўлжа бунда мудҳиш қийноққа дучор бўлади.

Шунингдек, сиртлонлар одатда ўзгалар ўлжасини тортиб олади, тайёрига айёр бўлади.

Шер ва унга ўхшаган ҳайвонларга ўлжага ҳам яхшилик қилиш, тириклайин емасликни ўргатган, сиртлонларни эса нафақат зоҳирини хунук ва ёқимсиз, балки, одатларини ҳам манфур ва жирканч қилиб қўйган Зот бу нарсаларни яхшилик ва ёмонликка, шараф ва тубанликка ибрат қилмаган деб айта оласизми?..

Ақл эгалари учун барча нарсада ибрат ва намуна бор.

Алишер Султонходжаев

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 22 июлдаги 03-07/4389-сонли рухсати асосида тақдим қилинди.